

«Ўзкимёсаноат» АЖ бошқаруви
раисининг 87-сон буйруғига илова
«09» 10 2020 й.

**«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг
Хизмат одоби кодекси**

МУНДАРИЖА

КИРИШ СҮЗ

1	ХИЗМАТ ОДОБИ КОДЕКСИНИНГ МАҚСАДЛАРИ	Ошибка! Закладка не определена.
2	ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ	Ошибка! Закладка не определена.
3	АТАМА ВА ҚИСҚАРТМАЛАР ИЗОХИ	Ошибка! Закладка не определена.
4	ХИЗМАТ ОДОБИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ	4
5	ХОДИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ	
	Ошибка! Закладка не определена.	
6	МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ	Ошибка! Закладка не определена.
7	САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ	Ошибка!
	Закладка не определена.	
8	АТРОФ-МУҲИТ МУХОФАЗАСИ	Ошибка! Закладка не определена.
9	ЖАМИЯТ МУЛКИ ВА АҲБОРОТИ БИЛАН МУНОСАБАТ	8
10	КОНТРАГЕНТ, ҲАМКОР ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ	10
11	ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ	11
12	ҲАЛОЛ РАҶОБАТ	12
13	КОРПОРАТИВ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ	12
14	ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ	Ошибка!
	Закладка не определена.	
15	ХОДИМЛАРГА МАСЛАҲАТ БЕРИШ	Ошибка! Закладка не определена.
16	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	Ошибка! Закладка не определена.

КИРИШ

Хурматли ҳамкасблар!

Ҳар биримиз қасбий салоҳият ва виждонлилик «Ўзқимёсаноат» АЖга бўлган ишончимизнинг асоси эканлигини яхши тушунган ҳолда хизмат одобининг олий талабларига амал қилиш зарур деб ҳисоблаймиз. «Ўзқимёсаноат» АЖнинг муваффақиятлари ва ишончли расмий нуфузи, шак-шубҳасиз, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар, шунингдек «Ўзқимёсаноат» АЖ белгилаган мақсадларни биргаликда амалга ошираётган барча ҳамкор ва контрагентлар хизматига боғлиқдир.

Хизмат одоби кодекси – «Ўзқимёсаноат» АЖнинг муҳим ҳужжатларидан бири. Унда «Ўзқимёсаноат» АЖда ва биз билан ҳамкорликда ишлаётган ҳар бир ходимдан кутаётганимиз – хизмат ва одоб-ахлоқ қоидалари белгилаб берилган. Шунингдек мазкур ҳужжатда «Ўзқимёсаноат» АЖнинг ходимлар ва ҳамкорлар олдидаги масъулияти ва мажбуриятлари ҳам ўз аксини топган.

Ўйлайманки, Хизмат одоби кодекси иш фаолиятимизни тўғри йўлга қўйишда ва ишончли қарорлар қабул қилишда бизга кўмақдош бўлади. «Ўзқимёсаноат» АЖ эса юқори иқтисодий ютуқларга ва расмий нуфузга эга компания сифатида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётiga ҳисса қўшади. Жамоа ходимлари эса шундай корхонада меҳнат қилаётганларидан ҳамиша фахрланиб юрадилар.

Ўз хизмат мажбуриятларингиз ва ваколатларингизни бажаришда ушбу кодекс қоидаларига қатъий риоя қилинг. Қайсиdir вазиятда иккилансангиз, саволлар билан мурожаат қилинг.

**Хурмат билан,
«Ўзқимёсаноат» АЖ бошқаруви раиси**

1. ХИЗМАТ ОДОБИ КОДЕКСИНИНГ МАҚСАДЛАРИ

1.1 «Ўзкимёсаноат» АЖнинг муваффақиятли фаолияти ва нуфузи (кейинги ўринларда – Жамият) кўп жиҳатдан нафакат амалдаги қонунчилик талабларига, балки Жамият ходимларининг юксак касбий ҳамда хизмат одоб-ахлоқ стандартларига ҳам боғлиқ.

1.2. Жамият ходимларнинг ўз хизматини ҳалол, шаффоф ва вижданан бажаришига бўлган юқори талабларни қўллаш мақсадида мазкур Хизмат одоби кодексини (кейинги ўринларда – Кодекс) қабул қилади.

1.3. Кодекс хукуқбузарликларнинг олдини олишга, содир этилиш сабаб ва шароитларини бартараф этишга, ходимларда юксак хукукий онгни тарбиялашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хукукий хужжатларга оғишмай риоя қилишга, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларига ҳамда жаҳон амалиётидаги хизмат одобининг юқори касбий ва ахлоқий талабларига йўналтирилган.

1.4. Мазкур Кодекс қўйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

- Жамият ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида таянадиган хизмат одобининг асосий принципларини тизимлаштирувчи норматив хужжатни яратиш;
- Жамият ходимлари учун муносиб касбий ва ахлоқий талабларни аниқлаш;
- Жамиятнинг одоб-ахлоқ қоидалари билан шахсларни, Жамият номидан ва/ёки унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган шахсларни, жумладан, ҳамкор ва вакилларни таништириш;
- Жамиятда жамоавий маданиятни ривожлантириш ҳамда ўзаро хурмат ва ишонч мухитини яратиш;
- Жамиятнинг адолатли иш билан таъминловчи ва ҳалол ҳамкор сифатидаги расмий нуфузини шакллантириш ва мустаҳкамлаш.

2. ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

2.1. Ходимлар эгаллаб турган лавозими ва бошқа омиллардан қатъи назар:

- мазкур Кодекснинг қоидалари билан танишиш ва кундалик иш фаолиятида унга таяниши;
- лавозим мажбуриятларини зарур даражадаги касбий салоҳият ва компетенлилик билан вижданан бажариши, ўз малакасини мунтазам ошириб бориши;
- ҳамкаслар билан ўзаро самарали билим алмашиш ҳамда иш юзасидан юқори даражада мулокот олиб бориши;
- лавозим йўрикномаларида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида белгиланган касбий ваколати доирасида ҳаракат қилиши;
- юқори турувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари доирасида қабул қилинган (берилган) қарорлар(топшириқлар)ини ўз муддатида ҳамда сифатли бажариши;
- меъёрий-хукукий ва ички меъёрий хужжатлар билан ўрнатилган чеклов ҳамда тақиқларга, жумладан, коррупцион ҳаракатларга чек қўйиши;
- умумий ахлоқ қоидалари ҳамда хизмат одобига ишдан ташқари вақтда ҳам амал қилишлари лозим.

2.2. Жамият бошқаруви аъзолари ва таркибий бўлинма бошлиқлари қўйидагиларга мажбурдирлар:

- мазкур Кодексга амал қилишда ўрнак бўлиш;
- юксак касбий салоҳият, вижданлилик ва адолатда намуна бўлиш;
- Жамиятда юксак касбий салоҳият, вижданлилик ва адолат билан тавсифланадиган жамоавий маданиятни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ходимларнинг Кодекс билан танишиш ва тушунишларини таъминлаш;
- ходимларга, уларнинг савол, таклиф ва шикоятларига эътиборли бўлиш, ушбу Кодексга доир ҳамда ходимларнинг лавозим мажбуриятларини бажариши жараёнида юзага келадиган саволларига жавоб бериш.

2.3. Жамият ходимлари эгаллаб турган лавозимидан ёки бошқа омиллардан қатъи назар ушбу Кодекснинг принцип ва талабларига риоя қилмаганларидан учун шахсан жавобгардирлар.

Жамият бошқаруви аъзолари ҳамда унинг таркибий бўлинма бошлиқлари ходимлари томонидан мазкур Кодекснинг принцип ва талабларига риоя қилинмаганлиги учун ҳам жавобгар бўладилар.

2.4. Жамият ходимларининг Кодекс қоидаларига риоя қилиши уларнинг касбий фаолияти сифатини баҳолашнинг мезонларидан бири ҳисобланади.

2.5. Жамият ходимларининг мазкур Кодекс қоидаларини бузиши ходимлар интизомини назорат килиш, тегишли қоидабузарлик ва низоли вазиятларни кўриб чиқиши мақсадида маҳсус тузилган Ахлоқ

комиссияси томонидан амалдаги қонунчиллик талабларига, ушбу Кодексга ҳамда хизмат одоби мөъёрлариға асосан кўриб чиқилади, шунингдек ходимларга мураккаб ахлоқий вазиятларни ҳал қилиш юзасидан маслаҳат берилади.

Ахлоқ комиссияси келиб тушаётган масалаларни адолатли ва холисона кўриб чиқади, унинг фаолияти ва қарорлари Жамият бошқарувидан мустақилдир.

3. АТАМА ВА ҚИСҚАРТМАЛАР ИЗОХИ

3.1. Киритилган атама ва изоҳлар:

Антикоррупцион эслатма – Жамият шартномаларига киритилган маҳсус қоидалар бўлиб, томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажариш давомида коррупцияга қарши амалдаги қонунчиллик талабларига риоя қилиши бўйича киритилган мажбуриятлари.

Яқин қариндошлар – ходим билан қариндошлиқ алоқасида бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўтгай ака-ука ва опа-сингиллар, турмуш ўртоқ, фарзандлар, жумладан, асраб олингандар, бува, буви, набиралар, шунингдек, турмуш ўртоқнинг ота-онаси, туғишган ва ўтгай ака-ука ва опа-сингиллари.

Давлатнинг мансабдор шахси:

– Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатда қонунчиллик, ижро ёки суд ҳокимиятида тайинланадиган ёки сайланадиган мансабни эгаллаб турган ҳар қандай шахс;

– Ўзбекистон Республикаси ёхуд хорижий давлатда, хусусан, давлат органи, корхонаси ёки муассасасида давлат вазифаларини ўтаётган ҳар қандай шахс;

– ҳар қандай мансабдор шахс ёки ҳалқаро ташкилот;

– сиёсий арбоблар, сиёсий партияларнинг мансабдор шахслари, жумладан, сиёсий лавозимларга номзодлар.

Давлат функциялари – давлат томонидан топширилган ва давлат манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият, масалан, давлат харидлари билан боғлик.

Давлат органлари, корхона ва муассасалари – Кодекснинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти органлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, хизматлари, агентликлари, марказлари, инспекциялари, давлат компаниялари, концернлари), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар.

Жамият тармоқлари – «Ўзқимёсаноат» АЖнинг устав капиталида улушга эга бўлган ташкилот ёки корхоналари.

Кодекс – мазкур Хизмат одоби кодекси.

Контрагент – Жамият билан шартномавий муносабатга киришадиган ҳар қандай жисмоний, ишчи-ходимлар бундан мустасно, ёки юридик шахс (жумладан, унинг филиал ва/ёки ваколатхонаси).

Махфий маълумот – олиш, қайта ишлаш, топшириш ёки улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки маълумот эгасининг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ чекланган ҳар қандай шаклдаги маълумот, жумладан:

– давлат сирлари – давлат томонидан муҳофаза қилинган ва маҳсус рўйхатлар билан чекланган Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим, ўта махфий, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқа хил маълумотлари;

– тижорат сири – илмий-техник, технологик, ишлаб чиқариш, молиявий-иктисодий ва бошқа соҳаларда тижорат қийматига эга маълумот бўлиб, маълумот эгаси унинг қонуний асосда эркин фойдаланиш имкони бўлмаган учинчи шахсларга номаълум бўлганлиги сабабли махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Хизмат сири – фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларидағи маълумотлар бўлиб, уларни ошкор қилиш Жамият манфаатларига зиён етказиши мумкин.

Манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг шахсий манфаатдорлиги (бевосита ёки билвосита) унинг лавозим ёки хизмат мажбуриятларини тегишли равишда бажаришига таъсир қиласи ёки қилиши мумкин бўлган вазият бўлиб, унда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги ва Жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳамда хукуқлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келади ёки келиши мумкин.

Коррупцион ҳаракатлар:

– ноқонуний равишида давлат мансабдор шахсига (пора, пораҳўлик), тижорат ташкилоти вакилига

(тижорат учун пора) ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун таъсир кўрсатиш ёки лавозим мажбуриятларини тегишли даражада бажармаслигига ундаш ва/ёки Жамият учун, жумладан, тегишли бўлмаган тижорат устуворлигига эришиш мақсадида фойдани таклиф қилиш, ваъда бериш, рухсат бериш, ўтказиш;

– расмиятчиликни камайтириш учун тўловни амалга ошириш;

– ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиш, хизмат мавқеини, ваколатларини суистеъмол килиш, шунингдек ходимнинг ўз мансабидан Жамият қонуний манфаатларига қарши ноқонуний фойдаланиши, жумладан, ўзи ёки учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида бошқа шахслардан ноқонуний фойда олиш ёки олишга розилик бериш, талаб қилиш, ундириш ёки сўраш;

– пора олишда ёки тижоратда ўз томонига пора билан оғдириш учун воситачилик қилиш, хусусан, ноқонуний фойдани олувчига етказиши ёхуд етказувчига ёрдам бериш, ноқонуний фойда олиш ва бериш тўғрисида у билан келишувга эришиш ва амалга ошириш;

– коррупция ёки уни содир этишга олиб келувчи, жумладан, манфаатлар тўқнашувини намоён қилувчи ҳаракат/ҳаракатсизлик.

Шахсий манфаатдорлик – ходимнинг у ва/ёки унинг яқин қариндошлари томонидан пул маблағлари, мол-мулк, хусусан, мулкка эгалик ҳуқуқи, мулкий характердаги хизматлар, бажарилган ишларнинг натижалари ёки бошқа бирон-бир фойда (афзалликлар) олиш имконияти билан боғлиқ манфаатдорликдир.

Халқаро ташкилот – давлат, ҳукумат ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан катъи назар тузилган ҳар қандай халқаро ташкилот, масалан, иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

Жамият – «Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамияти.

Ходимлар – ушбу Кодекснинг мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу атама меҳнат шартномалари асосида ўз лавозим мажбуриятларини бажараётган Жамият ходимларини ҳамда Жамият бошқаруви аъзоларини назарда тутади.

3.2. Мазкур Кодексда кўлланган, лекин изоҳи келтирилмаган атамалар Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қандай маънода кўлланган бўлса, шу маънода ишлатилади.

4. ХИЗМАТ ОДОБИННИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

4.1. Қонунийлик

Жамият ва ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрларига ҳамда амалдаги халқаро қонунчиликка риоя қиласидар.

4.2. Адолат ва ҳалоллик

Жамият ва ходимлар очиқ, ҳалол ва адолатли иш олиб борадилар. Жамият контрагент ва ҳамкорлар билан ишлашда ва муносабатда ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қиласидар, шунингдек ҳар қандай коррупцион ҳаракатга нисбатан рад этиш принципини кўллаб-кувватлайди.

4.3. Холислик ва мустақиллик, жамият манфаатларига содиқлик

Жамият ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда муайян шахс, гурӯҳ ёки ташкилотни афзал кўрмайди. Ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини вижданан бажаришга тўқсинглик қиласидан шахсий манфаатдорлик таъсирни билан боғлиқ ҳолатларни истисно қиласидар.

4.4. Касбий салоҳият и компетентлик

Жамият ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган юқори даражадаги малакани таъминлашга ва сақлашга ҳаракат қиласидар. Жамият ходимларининг касбий маҳорати ва компетентлигини оширишга бўлган интилишларини кўллаб-кувватлайди ва ёрдам беради.

4.5. Ходимлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги

Жамиятдаги муносабатлар инсон ҳуқуқлари ҳамда уларни хурмат қилишга асосланади. Жамиятда ҳар қандай шаклдаги камситиш, руҳий босим ёки қўрқитишга йўл қўйилмайди. Жамиятда болалар меҳнатидан фойдаланилмайди.

4.6. Очиқлик ва шаффофлик

Жамият ўз фаолиятида ходимлар, контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахслар учун ахборот очиқлиги ва шаффоғлиги сиёсатига амал қилади. Жамият мавжуд барча ошкора каналлардан фойдаланади ва манфаатдор шахсларнинг Жамият ҳақидаги оммавий ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлайди.

4.6. Самарадорлик ва тежамкорлик

Жамият ва ходимлар ўз фаолиятида кам ҳажмдаги ресурслардан фойдаланган ҳолда энг яхши натижаларга эришишни кўзлайди; акционерлари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг фаровон турмуш даражасини кўтариш максадида мунтазам самарадорликни ошириб боради.

5. ХОДИМЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

5.1. Жамият мухим манбаси ходимлар эканини тан олади, шунинг учун уларни қўллаб-кувватлайдиган, ўқитиш ва ривожлантиришни кафолатлайдиган иш шароити ва жамоавий маданиятни яратишга ҳаракат килади. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг юқори даражадаги иш самарадорлигини таъминлайди.

5.2. Жамият инсон хукукларининг ажралмас қисми бўлган ходимларнинг меҳнат хукукларини тан олади ҳамда фаолияти давомида уларга амал қилинишини таъминлайди; болалар меҳнатидан фойдаланишга ва мажбурий меҳнатга йўл қўйимасликни кафолатлайди.

5.3. Жамият ходимларни ишга қабул қилиш ва саралаш, уларнинг лавозимини кўтариш ва/ёки тақдирлаш, кадрларни танлаш ва жойлаштириш, тўловлар микдорини белгилаш жараёнида қариндош-уругчилик, маҳаллийчилик ва/ёки таниш-билишчилик, кимгадир устунлик бериш ва бошқа хилдаги салбий омилларга йўл қўйимаслигини таъминлайди.

Жамият ходимларнинг меҳнат натижаларига қараб муносаб тақдирланишини таъминлайди, шунинг учун меҳнатни рағбатлантиришнинг илфор тизимларини татбиқ килади.

Жамият меҳнат фаолияти жараёнида ҳар қандай шаклдаги камситиш, руҳий босим ва қўрқитишларга йўл қўймайди, ходимлар билан ва улар орасида инсон хукуклари ва ўзаро хурматга асосланган муносабатни қўллаб-кувватлайди.

5.4. Жамият ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда, меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишда амалдаги қонунчилик ва унинг ички меъёрий хужжатларида қўзда тутилган қўллаб-кувватлашларни кафолатлайди.

5.5. Жамият ходимларнинг касбий ривожланиши ва ўқиши учун шахсий ривожланиш дастурларини амалга оширади.

5.6. Жамият уни ривожлантиришнинг мухим масалаларини ҳал қилишда ходимлар иштирокини, хусусан, ходимларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш бўйича комиссия таркибиға Касаба уюшмаси вакилларини сайлаш орқали қўллаб-кувватлайди.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– ҳамкасларга, Жамият ҳамкорлари, контрагентлари ва давлат мансабдор шахсларига уларнинг миллий, ирқий, жинсий, диний мансублигидан қатъи назар хурмат билан муносабатда бўлиш;

– Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқининг урф-одат, анъаналарига ҳурмат кўрсатиш, турли этник ва ижтимоий гуруҳ ва конфессияларнинг маданияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

– хизмат мажбуриятлари вижданан бажарилаётганлиги тўғрисида шубҳа уйғотадиган хатти-харакатлардан, шунингдек шахсий обрў ва/ёки Жамият нуфузига путур етказадиган низоли вазиятлардан сакланиш;

– шахсий иш вақти ва ҳамкасларининг иш вақтидан Жамият манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш;

– бошқа ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи миш-мишлар, ҳақоратловчи материаллар ва/ёки маълумотларни тарқатмаслик;

– ишга қабул қилиш, лавозимни кўтариш, мукофот микдорини белгилаш ва Жамиятдаги бошқа ходимларнинг касбий сифатига қараб уларнинг фойдасига қабул қилинган ҳар қандай қарорларда ўз фикрини асослай олиш;

– ўзига ва ҳамкасларига нисбатан ҳар қандай камситиш ҳолатлари ҳақида бевосита ўз раҳбарига ёки Жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисига хабар бериш;

– ўз хатти-харакатларига нисбатан шубҳа уйғонса, бевосита ўз раҳбарига ёки Жамиятнинг Ахлоқ

комиссияси раисига тушунтириш сўраб мурожаат қилиш.

6. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

6.1. Жамият манфаатлар тўқнашуви шароитида ҳар қандай қарорни қабул қилиш ва хатти-ҳаракатга йўл қўйиш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Манфаатлар тўқнашуви ходимнинг лавозими ёки лавозим мажбуриятлари унга ёки унинг яқин қариндошларидан бирига даромад ёки шахсий фойда (ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаргани учун ходимга Жамият томонидан тўланган мукофот пулидан ташқари) олиш имкониятини берадиган ҳар қандай вазиятда ёхуд ходим ўзининг шахсий манфаатдорлигини ёки яқин қариндошининг манфаатини ўз хизмат мажбуриятларидан ва Жамият манфаатлари олдидаги мажбуриятдан устун кўйганда юзага келади.

6.2. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви вазиятларидан намуналар ҳамда бундай вазиятларни ошкор қилиш ва тартибга солиш амалиётидан иборат Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати тасдиқланган.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларини ифодалайди:

- манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати билан танишиш ва амал қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви вазиятида Жамият манфаатини кўзлаб ҳаракат қилиш (агар ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солмаса);
 - ўз хизмат мажбуриятларини вижданан бажаришга тўсик бўладиган манфаатлар тўқнашувининг таъсири билан боғлик хатти-ҳаракатлардан воз кечиш, бирон-бир шахс, гурух ёки ташкилотларга устуворлик бермаслик, уларнинг таъсиридан холи бўлиш, Жамиятнинг қонуний манфаатларини ҳисбага олиш;
 - ишга қабул қилиш, назорат қилиш, бошқариш ва мартабани оширишни режалаштиришда яқин қариндошларнинг иштироки ёки таъсирини истисно қилиш, шунингдек бундай имконият ҳакида ўз вақтида бевосита раҳбарни ва/ёки комплаенс хизматини хабардор қилиш;
 - Жамият, бошқа ташкилот ва шахслар фаолиятига ноконуний таъсир ўтказиш учун хизмат мавқеидан фойдаланмаслик;
 - манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган (юзага келган) ҳолат ҳакида ўз вақтида бевосита раҳбарни ва/ёки комплаенс хизматини манфаатлар тўқнашувини вақтида ва тегишли тарзда тартибга солиш мақсадида хабардор қилиш;
 - бевосита раҳбарни ва/ёки комплаенс хизматини башка ҳар қандай меҳнат фаолияти ёки Жамиятдан ташқари башка компания ёки ташкилотларнинг бошқарув органларига аъзолик ҳакида хабардор қилиш;
 - бевосита раҳбарни ва/ёки комплаенс хизматини қўл остидаги яқин қариндошлари ҳакида хабардор қилиш;
- бевосита раҳбарни ёки комплаенс хизматини, Жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисини ўз хатти-ҳаракатларига шубҳа туғилганда хабардор қилиш.

7. САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ

7.1. Ишлаб чиқариш обьектларида ишлайдиган ходимлар ва контрагент вакиллари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, баҳтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқариш жароҳатлари, касбий касалликлар ва авария ҳолатлари сонини камайтириш.

7.2. Жамият томонидан баҳтсиз ҳодисалар хавфини йўқ қилиш учун қўлланаётган чоралар ўз ичига қўйидагиларни олади:

- жамиятнинг ишлаб чиқариш обьектларида ишлайдиган контрагентларнинг вакиллари ва ходимлар томонидан меҳнат муҳофазасини таъминлашга доир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига ва башка норматив хужжатларга риоя қилиш;
- касб саломатлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- рўй бериши мумкин бўлган ва аниқ хавф-хатарларни аниқлаш, шунингдек «Ўзқимесаноат» АЖ корхоналарида тасдиқланган амалиётга мувофиқ қалтис вазиятларни бошқаришни таъминлаш мақсадида ходимларнинг иш жойларидаги барча шундай вазиятларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жихатлари ва турларига, хавфнинг характеристига қараб баҳолаш;
- қалтис вазиятларни, баҳтсиз ҳодисалар таҳдидини, фавқулодда ҳолатларни камайтириш ва иложи борича бартараф қилиш, ходимларнинг жароҳатланиши, касалланишининг олдини олиш, саломатлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳамда мақсадли дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

- жароҳатланиш ва соғлиқнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик бўйича зарур чора-тадбирларни қўриш орқали барча ходимларнинг соғлиғини сақлаш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;
- ҳар бир ходимга иш жойидаги касбий хавфсизлик ва саломатликнинг қалтис томонлари ҳамда хавфхатарлари ҳақидаги маълумотни етказиш;
- касби ёки лавозимидан қатъи назар ҳар бир ходимнинг соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги борасидаги мажбуриятларга риоя қилишда масъулиятлилик даражасини ошириш ва иштирокини таъминлаш;
- сифатли таълимни ташкил қилиш орқали ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тайёргарлигини мунтазам яхшилаб бориш;
- иш жойларида соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ва бошқа талабларга амал қилинаётганлиги ва бажарилаётганлиги устидан барча турдаги ишлаб чиқариш назоратини таъминлаш;
- меҳнат хавфсизлиги ва шароитини ускуналарнинг ҳалокатсиз ишлаши, янги технологияларни жорий қилиш ҳисобига юқори даражага кўтариш;
- кўнгилсиз ва баҳтсиз ҳодисалар юзага келишининг олдини олиш ва камайтириш учун хавфли ишлаб чиқариш обьектларидан фойдаланаётган корхоналарда саноат хавфсизлиги даражасини таъминлаш;
- хавфли ишлаб чиқариш обьектларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, кўнгилсиз, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, таркибий бўлинмаларнинг локализацияга ва хавфли ишлаб чиқариш обьектларидаги ҳалокат ва баҳтсиз ҳодисаларнинг асоратларини бартараф қилишга тайёрлигини таъминлаш;
- хавфли ишлаб чиқариш обьектларидан фойдаланаётган корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланиши учун баҳтсиз ҳодиса ва ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган саноат хавфсизлиги соҳасидаги техник хужжатлар билан тартибга солинган режимдан четта чиқишлиар, техник қурилмалар носозлиги юзага келишининг олдини олувчи тизимни яратиш йўли орқали шарт-шароит тайёрлаш.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

- ходимлар ва Жамиятнинг ишлаб чиқариш обьектларида ишлайдиган контрагент вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазасини таъминлашга доир қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш;
- Жамиятда қабул қилинган меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги қоидаларини билиш ҳамда унга сўзсиз амал қилиш;
- иш вақтида бериладиган шахсий ҳимоя воситаларини белгиланган мақсадларда ишлатиш;
- Жамиятда белгиланган муддатларда мазкур талаб ва қоидалар бўйича йўл-йўриқ олиш, ўқиш ва билимларни текшириш;
- эҳтиёт чораларини қўриш, ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда модда ва материаллардан тўғри ҳамда хавфсиз фойдаланиш, ўз соғлиғи ва хавфсизлигини, шунингдек ҳамкаслари ҳамда ўзгаларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини хавф остига қўймаслик;
- ходимлардан бири меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникини қоидаларини бузган бўлса, шунингдек юзага келган ёки келиши мумкин бўлган ҳалокат ва бошқа фавқулодда вазиятларга муносабат билдириш ҳамда белгиланган тартибда зудлик билан бевосита раҳбарни ва/ёки бошқа масъул шахсларни хабардор қилиш.

8. АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

8.1. Жамият ишлаб чиқариш фаолияти чиқиндиларни қайта ишлаш, атмосферага ва табиий сув хавзаларига ифлослантирувчи моддаларни чиқариш билан боғлиқлигини тан олади. Шунинг учун атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда унинг табиий ресурсларини сақлаш Жамиятнинг устувор вазифаларидандир. Жамият бу вазифаларни бошқарув органи масъулиятига ва ходимларнинг мажбуриятлари сирасига киритиб, ўз фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва экологик мувозанатни яхшилаш устидаги тинимсиз иш олиб боради.

8.2. Жамият жаҳон стандартларига мувофиқ экологик менежмент тизимини жорий қилган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш фаолиятига ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари утилизациясига доир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро қонунлар ва талабларга риоя қилади.

8.3. Жамият мукаррар ҳалокат ва баҳтсиз ҳодисалар билан боғлик атроф муҳит ифлосланшишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади, ресурстежкамкор технологиялардан фойдаланади ва бу билан атроф муҳит ва инсонга зарарли таъсирини камайтиради.

8.4. Ўз фаолияти доирасида Жамият атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизлик

соҳасидаги қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- ишлаб чиқаришнинг экологик мониторингини юритиш;
- сув ва ер ресурсларини, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ресурстежамкор замонавий технологияларни татбиқ қилиш ҳамда бу билан ишлаб чиқаришнинг энергетик самарадорлигини таъминлаш;
- ифлослантирувчи моддаларни чиқариш ва ташлашни камайтириш ҳамда олдини олиш бўйича барча чораларни кўриш, шунингдек ҳосил бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш, заарсизлантириш ва уларнинг утилизацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти натижасида экологик таъсирнинг характери, масштабини хисобга олган ҳолда аниқланган муҳим экологик аспектларни бошқаришни таъминлаш;
- экологик мақсад ва вазифаларни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш;
- экологик менежмент тизими ишининг натижадорлиги таҳлилини олиб бориш;
- экологик менежмент тизимининг ISO 14001 талабларига мувофиқлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуний ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ фаолият юритиш;
- экологик менежмент тизимидағи ўз ўрни ва ролини англашлари учун ходимларга экологик таълим ва тарбия берилишини таъминлаш.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларини билиш ҳамда риоя қилиш;
- шахсан ўрнак бўлиш ва атрофдагиларда экологик масъулият одобини шакллантириш;
- ходимлардан бирортаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига зид ҳолда ҳаракат қилаётган бўлса, муносабат билдириш, бевосита раҳбарни ва/ёки бошқа масъул шахсларни хабардор қилиш;
- энергия ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини таъминлаш.

9. ЖАМИЯТ МУЛКИ ВА МАЪЛУМОТЛАРИГА МУНОСАБАТ

9.1. Иш фаолияти давомида ходимлар эгаллаб турган лавозимлари ва юклатилган хизмат ваколатларига доирасида Жамиятнинг, контрагент ва ҳамкорларнинг маълумотларни, жумладан, маҳфий маълумотларни ҳам билиш имкониятига эга бўладилар.

Маҳфий маълумотнинг ошкор бўлиши Жамиятнинг, контрагентларнинг молия-хўжалик фаолиятига ва/ёки нуфузига зарар келтириши ёхуд рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан Жамиятнинг зарари йўлида мақсадли фойдаланиши мумкин.

Жамият ўзи ва контрагентлари, ҳамкорлари ва бошқа учинчи шахсларга тегишли маҳфий маълумотларнинг ноқонуний ошкор қилинишидан ҳимояланишга жиддий муносабатда бўлади, шу сабабли бундай маълумотларнинг айрим қисми фақат меҳнат фаолиятида зарур бўладиган ходимларга тегишилиги бўйича тақдим қилинади.

Принцип ва қоидалар ходимлар учун қўйидагиларни ифодалайди:

- турли хилдаги маълумотлар, хусусан, «давлат сирлари», «тижорат сири» ва бошқа хизмат сирларига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланган маълумотлар билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш;
- маҳфий маълумотдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият талабларига мувофиқ ўз хизмат мажбуриятлари ва ваколатларини бажариш жараёнида қатъий хизмат вазифаси доирасида фойдаланиш;
- бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ зарурат бўлмаса, Жамиятнинг бошқа ходимлари билан маҳфий маълумотларни муҳокама қиласлини;
- маҳфий маълумотларни оммавий жойларда муҳокама қиласлини;
- зарурат бўлмаса, бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган Жамият фаолияти ҳакидаги маълумотни бирон-бир форматда ёзиб олиш, архив яратиш ва ҳар хил йўллар билан нусха олиш;
- Жамият ёки унинг контрагентлари, ҳамкорлари ва бошқа шахсларнинг маҳфий маълумотларини учинчи шахсларга етказиш (жумладан, бир неча шахслар даврасига) мумкин эмас, амалдаги қонунчилик талабларига кўра, Жамиятда белгиланган тартибда маҳфий маълумотни етказишга рухсат берилиши бундан

мустасно;

– оммавий бўлмаган маълумотдан, яъни очик манбаларда эълон қилинмаган, Жамиятдаги хизмат мажбуриятларини бажариш жараённида олинган, жумладан, Жамиятнинг ёки ўзгаларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш ва/ёки сотиш ҳақидаги маълумотларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

– «Тоза стол» қоидасига риоя қилиш, хусусан:

– иш жойини тарк этаётганда компьютерни блоклаш ва портатив қурилмаларни (ноутбук, планшет, смартфон) ҳамда маълумот ташувчиларни (ташқи HD-дисклар, flesh-тўплагич, DVD/CD-дисклар ва б.) ишончли жойда саклаш;

– маълумотни моддий ташувчиларни очик жойда қолдирмаслик, Жамиятда ўрнатилган маҳфий маълумот ва хужжатларни саклаш қоидаларига амал қилиш;

– Жамиятда ўрнатилган ахборот хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, шахсий пароллар хавфсизлигини таъминлаш (жумладан, ишчи компьютер, ноутбук, ички тизим, корпоратив сайт ва корпоратив банк карталарининг), уларни бошқа шахсларга айтмаслик, ёзб олмаслик, паролларни автоматик саклаш функциясидан фойдаланмаслик;

– электрон ахборот ва ресурслар билан ишлашда, хусусан, нотаниш манзиллардан ҳаволалар, файл ва иловаларни олишда эҳтиёткор бўлиш;

– Жамиятда факат муаллифлик ҳуқуқи бўлган дастурий таъминотдан фойдаланиш, Жамиятнинг компьютер ва портатив қурилмаларига (ноутбук, планшет, смартфон) бошқа дастурий таъминотни ўрнатмаслик, дастурларни ўчирмаслик ва/ёки Жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини инкор қиласлик;

– маҳфий маълумотни Жамиятдан ишдан бўшагандан кейин ҳам Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва/ёки Жамият ва ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланган муддат давомида ошкор қиласлик;

– сўралмаган, лекин (жўннатувчини олдиндан огоҳлантириб) олинган маҳфий маълумотни жўннатувчига кайта юбориш ва/ёки йўқ қилиш;

– хизмат мажбуриятларини бажаришда маҳфий маълумотни ҳимоя қилишнинг тегишли чораларини кўриш ва унга эга бўлишнинг ҳар қандай мақсадли, тасодифий ёки рухксатсиз ҳолатларининг олдини олишини назорат қилиш;

– маълумотни ҳимоя қилиш ёки фойдаланиш масалаларига доир шубҳа туғилса, бевосита ўз раҳбарига ва/ёки ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармасининг бошлиғига аниқлик киритиш учун мурожаат қилиш.

9.2. Жамият унинг фаолиятига таъсир қилувчи баёнот ва вазиятларга шарҳ беришга, шунингдек, очик манбаларда ўз фаолияти ҳақида маълумот эълон қилишга (жумладан, ОАВда, Жамиятнинг интернет сайтида, унинг расмий веб-саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда) ҳақли. Жамият номидан бундай маълумотни, шарҳ ва баёнотни Жамият бошқаруви аъзолари, шунингдек Жамиятнинг бошқа ходимлари ички меъёрий хужжатларда белгиланган келишувларни олиш ва процедураларга амал қилиш шарти билан бериши ва нашр қилиши мумкин.

– мурожаат ва баёнотларга бериладиган жавобларни Жамиятнинг матбуот хизмати мувофиқлаштиради.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– Жамият фаолиятига алоқадор маълумотни тарқатмаслик ва мухокама қиласлик, олдиндан келишилмаган ҳолда Жамият номидан ҳам, ўз номидан ҳам ҳеч қандай шарҳ бермаслик;

– ўзаро сұхбатларда, ижтимоий тармоқлар ва очик фойдаланишдаги бошқа нашрларда Жамият фаолияти ва ўз иши ҳақида холис ва хурмат билан фикр билдириш;

– Жамият нуфузига путур етказадиган, манфаатлар тўқнашувини келтириб чикарадиган ёки Жамиятнинг мол-мулки ёки имижига зарар етказадиган хатти-ҳаракатларда иштирок этмаслик ва баёнот бермаслик;

– шарҳ бериш чоғида шубҳа туғиладиган бўлса, бевосита ўз раҳбарига ёки матбуот хизмати раҳбарига аниқлик киритишини сўраб мурожаат қилиш.

9.3. Жамият ходимлар, контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахсларни ошкор қилмайди, уларнинг шахсий ҳаётини хурмат қилади ҳамда Жамият тасарруфидаги барча шахсий маълумотларни ҳимоя

қилади.

Ўз ходимлари, контрагентлари, ҳамкорлари ва бошқа учинчи шахсларнинг шахсий маълумотларини химоя қилиш доирасида Жамият фақат молия-хўжалик фаолиятини юритиш ва ўз мажбуриятларини ижро этиши учун зарур бўлган шахсий маълумотларнигина йигади ва қайта ишлайди, шунингдек уларни ҳимоялаш бўйича қонуний талабларга риоя қиласди.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– бошқа ходимларнинг, шунингдек контрагентларнинг, ҳамкорлар ва учинчи шахсларнинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш ва химоя қилиш билан боғлиқ жараёнда белгиланган қоида ва процедураларга амал қиласди;

– хизмат мажбуриятларини бажаришда шахсий маълумотларни химоя қилингандеги тегишли чораларини кўриш ҳамда ҳар қандай мақсадли, тасодифий ва рухсатсиз фойдаланишининг олдини олиш учун назорат қиласди;

– Жамият интеллектуал мулк ҳукуқини қимматли манба деб тан олган ҳолда хусусий интеллектуал мулк ҳукуқини химоя қиласди ва ўзгаларнинг интеллектуал мулк ҳукуқига ҳурмат билан муносабатда бўлади;

– Жамиятдаги ҳар бир шахс интеллектуал мулк ҳукуқидан рухсатсиз фойдаланишининг олдини олиш учун масъул ҳисобланади.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк ҳукуқидан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларига амал қилиш;

– қонуний асос бўлмаса, жамият ва учинчи шахсларнинг интеллектуал мулк ҳукуқидан, хусусан, логотиплар, товар белгилари ва/ёки рамзлардан, фойдаланмаслик;

– ишлаб чиқаришга янги товар ва хизматлар жорий қилингандеги ёки яратилгандеги интеллектуал мулк ҳукуқи тегишли тарзда химоя қилинишини таъминлаш;

– интеллектуал мулк ҳукуқлари қонуна ҳимоя қилинмагунча жамиятдан ташқарида янги ғоя ва/ёки лойиҳаларни ошкор қиласди;

– интеллектуал мулк ҳукуқидан фойдаланиш ёки химоя қилишда шубҳа туғилса, бевосита ўз раҳбарига ёки Жамиятнинг Юридик бюросига аниқлик киритилишини сўраб мурожаат қиласди.

9.4. Жамият мулчиллик ёки бошқа ҳукуқлар асосида эга бўлган ва фойдаланадиган мулк фақат Жамиятнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда унинг узок муддатли ривожланиши ва гуллаб-яшинаши учун мўлжалланган. Шу муносабат билан Жамият ўз мол-мулкини ўғирлиқдан, кўкка совуришдан, ишдан чиқишидан, йўқотишдан, ходимлар ва/ёки ўзгалар томонидан ноконуний фойдаланиш ва суиистеъмолликлардан зарурий химоя орқали таъминлашга интилади.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– Жамият мулкига масъулият ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, улардан қатъий ўз хизмат мажбуриятлари ва ваколатларини бажариш доирасида фойдаланиш;

– Жамият мулкига птур етказиш, ноқонуний фойдаланиш ёки Жамият учун йўқотиши эҳтимоли ва/ёки шаънига дод тушишига олиб келадиган асосланмаган қарорларни қабул қиласди;

– Жамият оғисларида ва ишлаб чиқариш жойларида ўрнатилган ускуналардан (жумладан, компьютерлар, нусхаловчи аппаратлар, интернет/интранет) бевосита раҳбарни олдиндан огоҳлантирумасдан шахсий мақсадларда фойдаланмаслик;

– агар Жамият ускунаси (жумладан, хисоб рақамларининг пароллари, реквизитлари ёки бошқа маълумотлар) йўқолса ёки ўғирланса, дархол ўрнатилган каналлар орқали ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологияларини ривожлантириш бошқармасига хабар бериш;

– Жамият мулки ишдан чиқса, сарфлаб юборилса ва бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилгани маълум бўлса, дархол Жамиятда ахборот узатиш учун ўрнатилган каналлар орқали бу ҳолатлар ҳақида хабар бериш.

10. КОНТРАГЕНТЛАР, ҲАМКОРЛАР ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ

10.1. Жамият контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахслар билан умумқабул қилингандеги бизнес юритиши қоидаларига, хусусан, қонунийлик, ҳалоллик, шаффофлик, ўзаро ҳурмат принципларига асоссан расмий муносабатларни ўрнатади ва олиб боради; шартнома мажбуриятлари ва бошқа келишувларни

бажаради ва буни ўз контрагентларидан ҳам талаб қилади.

10.2. Жамият контрагентлар, ҳамкорлар ва бошқа учинчи шахслар билан ўзаро муносабатларда ҳар қандай шаклдаги ва кўринишдаги коррупцион ҳаракатларга тоқат қилмаслик тамойилига қатъий амал қилади.

Жамият, унинг контрагентлари ва ҳамкорлари Жамият қадриятларини хурмат қиладилар ҳамда амалдаги қонунчиликка, хизмат одобининг асосий принцип ва қоидаларига риоя қиладилар, инсон хукуқларини таъминлаш, атроф мухитни муҳофаза қилиш заруриятини тўғри англайдилар ва жамият олдида жавобгардирлар.

10.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг харидлар тўғрисидаги қонунлари ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлари талаблари, объектив мезонларига мувофиқ товар етказиб берувчилар шаффоф, ҳалол ва адолатли тарзда танланишини таъминлайди.

Шунингдек Жамиятда контрагентлар ва ҳамкорларнинг ишончлилиги, шаънига доғ тушмаганлиги, хизмат одоби, бизнес юритиш, коррупцияга қарши курашиш доирасида Жамиятнинг принцип ва стандартларига мос эканлигини текширувчи амалиётлар қабул қилинган.

Жамият коррупцион ёки бошқа ноконуний фаолиятга аралашган, ўз ходимларига нисбатан камситишларга йўл кўйган контрагент, ҳамкор ва бошқа учинчи шахслар билан ўзаро ҳамкорликни бекор қилиш хукуқига эга.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– контрагент, ҳамкор ва бошқа учинчи шахслар билан ўзаро алоқада холислик ва бегаразликни сақлаш, шунингдек виждонлилик, ҳалоллик, адолат ва ўзаро хурмат тамойилларига таяниш, ахлоқ-одоб меъёрлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилиш;

– контрагент, ҳамкор, инвестиция объектлари, молиялаштирувчи шахслар, хусусан, малакани баҳолаш ва учинчи томоннинг шаънини текшириш ва танлаш бўйича Жамиятнинг ички меъёрий хужжатлари талабларини вижданан бажариш;

– Жамиятнинг шартнома ишларини юритиш ҳамда шартномаларга Жамият манфаатларини химоя қилишга қаратилган қоидаларни (коррупцияга қарши эслатмалар ва ҳ.к.) киритиш бўйича ички меъёрий хужжат талабларини вижданан бажариш;

– шартнома иши ва қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда Жамият номидан ва унинг манфаатлари учун сарфланган харажатларни тасдиқловчи хужжатларни учинчи шахсдан олинишини таъминлаш;

– учинчи шахсларни Жамиятнинг хизмат одоби, бизнес юритиш ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қоидаларидан хабардор қилиш.

10.4. Жамият фаолияти доирасидаги импорт-экспорт амалиётларида божхона қонунчилигига, экспорт назорати талабларига, шунингдек Жамият бизнес юритадиган давлатлардаги санкциявий чекловларга амал қатъий қилади.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– амалдаги божхона қонунчилигига, экспорт назорати талабларига, шунингдек қайд қилинган соҳадаги Жамиятнинг барча ички меъёрий хужжатларига, сиёсати ва процедураларига амал қилиш;

– контрагент ва ҳамкорларга нисбатан санкциявий чекловлар йўқлигини текшириш мажбуриятининг мавжудлиги.

10.5. Ходимлар Жамиятнинг вакилларидир, Жамиятнинг шаъни уларнинг контрагентлар, ҳамкорлар ва учинчи шахслар билан ўзаро муносабатидаги касбий маҳорати ва ахлоқига боғлиқ.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– хизмат мажбуриятларини бажариш жараённада меҳнат шароити ва тадбир шаклига қараб жиддий, сипо, умумқабул қилинган расмий услугга мувофиқ ташқи кўринишга эга бўлиш;

– Жамият номидан ташқи коммуникацияларга киришганда мазкур Кодекснинг 9.2-бандида баён этилган қоидаларга ва Жамиятнинг талаб ва чекловларига амал қилиш.

11. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ

11.1. Жамият давлат органлари, корхоналари ёки муассасалари ҳамда давлатнинг мансабдор шахслари билан ўта шаффоф муносабатларни ўрнatiшга интилади, амалдаги қонунчилик меъёрларига риоя қилган ҳолда, жумладан, давлат харидларини тартибга солувчи ва давлат мансабдор шахсларига ноконуний таъсир

ўтказиши тақиқловчи ҳалол ва тўғри йўлни танлайди.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– давлат органлари, корхоналари ёки муассасалари ва давлатнинг мансабдор шахслари билан ўзаро муносабатда амалдаги қонунлар ва ички меъёрий хужжатларнинг қоидаларига қатъий риоя қилиш;

– давлат мансабдор шахсларига, шунингдек, Жамиятда текширув-назорат функцияларини амалга оширувчи шахсларга Жамиятнинг номидан, топшириғига кўра ёки манфаатларини кўзлаб ҳар қандай совға, моддий бойликлар ёки бошқа турдаги фойда таклиф қилиш ва етказиши тақиқлаш.

12. ҲАЛОЛ РАҶОБАТ

12.1. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда қабул қилинган раҷобатчилар билан келишувни тақиқловчи, раҷобатни чекловчи, устувор ёки монопол ҳолатдан фойдаланувчи монополияга қарши конунчиликка риоя қилган ҳолда эркин ва ҳалол раҷобат принципига амал қиласди.

Ходимлар учун принцип ва қоидалар қўйидагиларни ифодалайди:

– ўз хизмат мажбуриятлари ва ваколатларини бажаришда вижданан раҷобат ва монополияга қарши конунчилик қоидаларига амал қилиш;

– қонунчилик талаблари билан белгиланган доирада раҷобатчилар билан ўзаро алоқа қилиш, хусусан, жамиятнинг раҷобатдошлилигини белгилайдиган ва унга таъсир киладиган, раҷобатчилар ҳам худди шундай ҳолатга эришишлари учун уларга Жамиятнинг нархлар, савдо хажми, тендерлар, даромад, маржалар, харажатлар миқдори, ўтказиши каналлари ва бошқа омиллар каби маҳфий маълумотни ошкор қилиш;

– раҷобатчилар билан раҷобатни ёки етказиб берувчилар билан муносабатни чеклаш, тендерга сохта таклифларни бериш ёки буюртмачилар, бозорлар, худудлар ва маҳсулот тоифаларини тақсимлаш ҳақидаги келишувлар тузиши тақиқлаш;

– Жамият харидорлари томонидан товарлар қайта сотиб олинаётганда уларнинг нархланишига таъсир килувчи ҳар қандай харакатларни, шунингдек Жамият томонидан етказиб берилаётган товарларнинг импорт ёки экспортини чеклашга уринишларни тақиқлаш;

– раҷобатчилар тўғрисидаги маҳфий маълумотни саноат жосуслиги, пораҳурлик, ўғирлик ва ҳоказо йўллар билан олишни тақиқлаш;

– раҷобатчи, унинг маҳсулотлари ёки хизматлари ҳақида била туриб нотўғри маълумот тарқатишини тақиқлаш;

– ўз хатти-харакатларига нисбатан шубҳа туғилса, бевосита раҳбарга ёки Юридик бюргора аниқлик киритишини сўраб мурожаат қилиш.

13. КОРПОРАТИВ ИЖТИМОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

13.1. Жамият ўз фаолиятини юритадиган минтақаларда ижтимоий лойиҳалар барқарор ривожланишининг мухим омили деб қарайди.

13.2. Жамият бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилганда 10% (ўн фоиз) соф фойдани фан, таълим, санъат ва маданият соҳаларига, шунингдек ижтимоий ва гуманитар, атроф мухит муҳофазаси билан боғлиқ лойиҳаларга хайрия ва ҳомийлик ёрдамлари кўрсатишга ажратади.

Жамиятнинг хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий фаолиятининг асосий мақсади барқарор ривожланишини ҳамда Жамият, унинг тармоқлари ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ туманлар ва фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат. Жамият хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш орқали, аввало, одамларга ёрдам беришга ҳаракат қиласди.

Жамиятнинг хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий фаолияти унинг нуфузини ва инвестициявий жозибадорлигини кўтаришга ҳам қаратилган.

13.3. Жамият хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг қўйидаги асосий принципларига амал қиласди:

– аниқ манзилли ва мақсадли фойдаланиш: Жамиятнинг хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий фаолияти унинг хайрия стратегиялари билан белгиланган аниқ вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган;

– харажатларни назорат қилиш: Жамият хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий ёрдам сифатида берилган маблағларни сарфлаш, жумладан, ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланганлик устидан ҳам назоратни амалга оширади, шунингдек хисобот материалларини ўз вақтида ва тегишли тарзда текшириб

туради;

- маълумотнинг шаффоғлиги ва ошкоралиги: Жамият томонидан тақдим қилинган хайрия, ҳомийлик ва ижтимоий ёрдам ҳақидаги асосий маълумот очиқ манбаларда, хусусан, Жамиятнинг расмий интернет сайтида эълон қилинади,

14. ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛИШ

14.1. Жамиятнинг ходимлари, контрагентлари ва ўзга шахсларда ушбу Кодекснинг фактик ёки эҳтимолий қоидабузарликлари, Жамият ходимлари хатти-харакатларининг конунийлиги ёки ахлоқига шубҳа борлиги ҳақида маълумот бўлса, қўйидаги ахборот каналларидан бирига маълум қилишлари керак:

- 99781407448 – телефон рақамига;
- anticorruption@uks.uz электрон манзилига;
- жамиятнинг расмий сайтида жойлаштирилган шакл орқали;
- бевосита раҳбарга (фақат Жамият ходимлари учун);
- ethics@uks.uz электрон почта орқали жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисига.

14.2 Жамият рўйхатдан ўтган, белгиланган тартибда келиб тушган барча хабар ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талаблари ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.

14.3 Жамият, хусусан, қоидабузарликлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқишга масъуль ходимлар ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарлик тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси конунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) ишончли хабар берган шахсга доир маълумотлар сир сақланишини таъминлайдилар.

14.4. Жамият ушбу Кодекс қоидаларини Жамиятнинг бошқа ходими томонидан бузилиши мумкинлиги ёки унинг шубҳали ахлоқи ҳақида вижданан хабар берган ходимларга нисбатан таъқиб қилиш, ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, жабр қилиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслигини кафолатлайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиласди.

14.5. Била туриб ёлғон маълумот, ёлғон гувоҳлик бериш ёки тухмат қилиш мазкур Кодекс қоидаларини бузиш ва ахлоқсизлик ҳисобланиб, бундай хабарни берган ходим Ўзбекистон Республикаси конунлари ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига мувофиқ жавобгарлика тортилиши мумкин.

15. ХОДИМЛАРГА МАСЛАҲАТ БЕРИШ

15.1. Ходимларда мазкур Кодекс билан боғлиқ савол туғилса, бевосита ўз раҳбарига ва/ёки Ахлоқ комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

15.2. Ахлоқ комиссияси ethics@uks.uz электрон почта манзилига юборилган саволларга электрон почта орқали жавоб беради.

16. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16.1. Мазкур Кодекс доимий амал қиласидиган ички меъёрий хужжат бўлиб, Жамият бошқаруви раисининг буйруги билан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилингунга ёки янги таҳрири тасдиқлангунга қадар амал қиласди.

16.2. Мазкур Кодекс қўйидаги ҳолатларда қайта кўриб чиқлади ва тузатишлар амалга оширилади:

- ахлоқ-одоб борасидаги мавжуд амалиётларни қайта кўриб чиқишга зарурати туғилганда, Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва/ёки етакчи халқаро амалиёт ўзгарганда;
- Жамиятнинг стратегияси ва мақсадлари ўзгарганда;
- самарасиз чора-тадбирлар ва амалиётлар аниқланганда ва уларни такомиллаштиришга зарурат пайдо бўлганда;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к.

16.3. Мазкур Кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Жамият бошқаруви раисининг буйруги билан амалга оширилади.